

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Хайрулла Рузметов

юридик фанлари доктори,

Тошкент давлат юридик университетининг

профессор вазифасини бажарувчи,

e-mail: khayrulla_r@mail.ru, *тел.* 901875748.

Abstract: Мақолада хорижий мамлакатлардаги давлат органларининг конституциявий жавобгарлигини назарий жиҳатлари, ҳуқуқий тартибга солиниши, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва уларни мамлакатимизда қўллаш мумкинлиги жиҳатлари юзасидан таклифлар берилган.

Key points: Хорижий тажриба, давлат органлари, мансабдор шахслар, маъсулият, конституциявий жавобгарлик, иижобий, салбий, тажриба, мумкин, мос эмаслик, бартараф этиш, чиқариб ташлаш, ўзгартиш ва қўшимчалар, мос келтириш, самарадорлик.

Introduction

Хорижий мамлакатлар тажрибасида давлатни, унинг органлари ва мансабдор шахсларини халқ ва фуқаролар олдида масъуллигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Бундай масъуллик асосан конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик шаклида амалга оширилиб келинади.

Мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хорижий мамлакатлар тажрибасида турли хил ўзига хосликларни кузатиш мумкин. Аммо улардаги ўхшаш томонлари шундаки, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек мансабдор шахсларининг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги аксарият ҳолда қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солиниб борилади. Шу ўринда конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг соҳасидаги хорижий тажрибаси Ўзбекистон тажрибаси билан ҳамоҳанг жиҳатларини мавжудлиги қайд этиш мумкин.

Хусусан, хорижий тажриба фуқаролар томонидан сайланган мансабдор шахсларнинг лавозимларидан четлаштирилиш жараёнида мутаносиблик принципини қўллаш лозимлигини талаб этади. Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мазкур принцип биринчи бор мустақамланди. Хусусан, Конституциянинг 20-моддасида: “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” [1].

Бу ерда, хорижий тажрибада мазкур принципнинг қўлланилиши сайланган шахслар ваколатларини муддатидан олдин тугатилиши, мазмунига кўра, сайлов ҳуқуқини амалга оширилишига давлат томонидан аралашувини юзага келишидан келиб чиқади. Шу боис, у истисно ҳолатларда, ўта зарур вазиятларда конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик тартибида қўлланилиши лозимлиги эътироф этилади.

Бундай жавобгарликни юзага келишига хар-қандай ҳолатлар эмас, балки давлат ва унинг мансабдор шахслари томонидан қонунчилик талабларини бузилиши, асосий конституциявий принципларда ўз аксини топган ғоя ва қадриятларга амал қилмаслик ва бу билан фуқаролар ва халқ манфаатларига путр етказилиши, қонунда белгилаб қўйилган инсон кадр-қимматини камситилиши ҳолатлари асос бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, Ҳуқуқ орқали демократия сари Европа комиссияси (Венеция комиссияси) бир қатор ҳисобот ва ҳулосаларда "сайланган вакилни лавозимидан четлатиш фақат жиддий қонунбузарликлар содир бўлган тақдирда қўлланилиши керак бўлган истисно чорадир" ва "барча процессуал қафолатлар, шу жумладан суднинг иштироки тақдим этилиши лозим" [2].

Шу билан бирга хорижий мамлакатлардаги конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўлланилишининг хосликларидан бири шундаки, уларда мазкур жавобгарлик турлари мутаносиблик принципи асосида амалга оширилиб келинади ва қонун ҳужжатлари орқали аниқ тартибга солинади.

Ундан ташқари яна бир хослик шундаки, уларнинг ҳуқуқий амалиётида сайловлар орқали шакллантириладиган мансабдор шахсларга нисбатан конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашда мазкур шахсларнинг халқ вакили мақомига эга эканлигини алоҳида ҳисобга олиб, уларни ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий баҳолар ҳам берилиши кўзда тутилади.

Юқорида келтирилган хосликларга асосланиб эътироф этиш жоизки, хорижий мамлакатлар тажрибасида конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишда асос сифатида Конституция ва қонунларда аниқ белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда сиёсий жихатидан уларда ўз аксини топган принципларнинг мазмунига риоя қилинганлиги ҳам эътиборга олинади. А.В. Крисанов мазкур масала тўхталиб таъкидлайдики: "Парламент аъзосининг жавобгарлиги нафақат ҳуқуқий қоидаларга риоя қилиш зарурати, балки у халқнинг вакили бўлганлиги учун халқнинг манфаатларига мослик ҳолатини инобатга олиниши зарурлигида ҳам намоён бўлади" [3].

Эътироф этиш жоизки, содир этилган конституциявий ҳуқуқбузарликнинг таркиби маълум даражада мавҳумлик билан шакллантирилиши керак ва бунда жавобгарлик чораларини ижтимоий хавфлилиги, мунтазам такрорланишини, қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва имкон қадар конституциявий - ҳуқуқий жавобгарликни индивидуаллаш бўйича чораларини кўришга қаратилган шароитлар яратилишига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Шу тариқа, хорижий тажрибага кўра конституциявий-ҳуқуқий санкцияларнинг ўзи ҳам фарқланилади. Хусусан, конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни амалга ошириш жараёнида суднинг ролини қонунчиликда ўзгартириш талаб этилади. Уларнинг айримларини (Беларусия, Қозахстон, Россия ва х.к.) амалиёти шуни кўрсатадики, кейинги суд назоратининг босқичлари сайланган мансабдор шахсларнинг ваколатларидан асосиз маҳрум қилинишига қарши етарли қафолатлар яратмайди.

Бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш учун конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашда, ҳуқуқни бошқа тармоқлари каби, мазкур ижтимоий муносабатларининг иштирокчиларига суд ҳокимияти орқали ўзини химоя қилиш имкониятларидан фойдаланишни таъминлаш юзасидан ҳуқуқий қафолатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида, хорижий мамлакатлар тажрибасида суд ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган бошқа субъектлар, авваламбор, мазкур чораларини қўллашда мутаносиблик принципига риоя этилишга алоҳида ўз эътиборларини қаратишлари талаб этилади. Бунда йўл қўйилган конституциявий ҳуқуқбузарликнинг барча ижтимоий зарар етказувчи ва хавфлик аломатлари батафсил ўрганилади. Кўриладиган жавобгарлик чораларини энг оғир тури сифатида жавобгар субъектини эгаллаб турган лавозимидан муддатидан олдин озод этилиши тан олинади. Шунингдек, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини сиёсий-ҳуқуқий соҳада янада самарали таъминланишини амалга ошириш учун, санкцияларнинг оқибатлари ва бошқа муҳим ҳолатлар, ҳар сафар бундай жавобгарлик чоралари қўлланилганида уларни содир этилган конституциявий ҳуқуқбузарликка қанчалик мутаносиблигини ва қўриқланадиган конституциявий қадриятларни қатъиятлик билан химоя қилиш зарурлиги эътиборга олинади лозим.

Шундан келиб чиқиб, кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасига ва халқаро ташкилотлар тавсияларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органлари аъзоларини конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишда мутаносиблик принципига асосланиш мақсадга мувофиқ ва бундай ёндашув мутаносиблик бўйича янги конституциявий принципини янада тўлароқ амалга оширилишига хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳукуматнинг конституциявий-жавобгарлигига алоҳида эътибор берилади. Аммо, уларнинг мазкур масаладаги ҳуқуқий тартибга солишнинг амалиётида кўплаб ўзига хосликларининг мавжудлигини кузатиш мумкин. Бу ерда Европа ва Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятининг жавобгарлик механизмларини тартибга тартибининг яқинлигини кўзатиш мумкин.

Ўз навбатида, хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, мазкур соҳада вазирларнинг жавобгарлиги масалаларига, уларнинг ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европа мамлакатларида ҳукумат аъзоларининг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликка келтириш тегишли ваколати президентда, парламентда, шунингдек айрим ҳолларда Бош вазирда (Испания, Греция, Венгрия, Финляндия) мавжуд бўлади. Ҳукумат аъзоларини парламент олдида жавобгарлигининг сиёсий жихатлари айрим хорижий давлатларда Конституция даражасида белгиланган.

Масалан, ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлиги МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон, Украина, Қирғизстон ва Арманистонда мавжуд. Шунингдек, Европа давлатлари мисолида, Италия Конституциясининг 95 моддасига кўра вазирлар Вазирлар кенгашининг фаолиятига биргаликда маъсулдирлар, раҳбарлик қилаётган ташкилотларга эса шахсан маъсулдирлар [4].

Ундан ташқари, айрим хорижий мамлакатлардаги давлат бошқаруви монархия ёки парламент республикасига асосланган бўлиб, уларда вазирлар мустақил ҳолда Бош вазир томонидан тайинланади ва озод этилади (Албания, Словения, Греция, Марокко). Бунинг натижасида, вазирлар тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунди ва унинг олдида маъсул бўладилар. Масалан Япония Конституциясининг 68-моддасида “Бош вазир давлат вазирларини тайинлайди, уларни ўз ихтиёрига кўра лавозимидан четлаштиради” [5].

Аммо бундан фарқли ўлароқ, Бош вазир давлат раҳбарига ёки парламентга бўй сунгудек бўлса, унда уни жавобгарликка тортишда улар томонидан эътибор кўпроқ ҳуқуқий

хатоликларга эмас, балки сиёсий камчиликларга қаратиб борилади ва шу асосда хатоликларга баҳо берган ҳолда жавобгарликка тортадилар.

Шу ўринда Австрия, Дания, Греция, Латвия ва Полшадаги вазирларнинг шахсий жавобгарлиги кўшимча, ёрдамчи сифатида амалга оширилади. Масалан, Австрия Конституциясининг 74-моддасига кўра парламент ҳукумат ва унинг аъзоларига нисбатан ишонч билдирмаслик ҳуқуқига эга [6]. Бельгия Конституциясининг 74-моддасига кўра “Хар бир палата уларга келган петицияларни вазирларга жўнатишга ҳақли. Вазирлар ҳар қандай ҳолатда палаталарнинг талаби бўйича, петицияларнинг мазмуни бўйича тушунтиришлар беришлари лозим”, шунингдек 101-моддада “Вазирлар вакиллик палатаси олдида масъулдирлар” деб белгиланган [7].

Европа давлатларининг аксариятида вазирлар ҳукумат билан биргаликда сиёсий жавобгарликка тортиладилар ва ҳукумат истъефога чиқишида ҳам биргаликда ўз ваколатларини тугатадилар. Ундан ташқари мазкур давлатларнинг кўпчилигида Конституция даражасида вазирларнинг жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлиги кўзда тутилган.

Ўз навбатида, парламентнинг қуйи палатаси, шунингдек депутатлар бирлашмалари парламент назорати тартибида ҳукуматга ва унинг бирор-бир аъзосига ўз мурожаатларини сўров ва саволлари шаклидаги ёллаши мумкин. Мурожаатда кўрсатилагн талабни мазмунига кўра уларга бевосита ҳукуматни ўзи ёки алоҳида вазир ҳисобот шаклида жавоб бериши керак бўлади.

Аксарият ҳолда парламент назоратини амалга ошириш жараенида интерпелляция шаклидаги мурожаатлар ёлланади ва улар оғзаки ёки ёзма шаклида амалга оширилиши мумкин. Бу ерда, интерпелляция деганда парламент аъзосини ҳукуматга ёки унинг аъзосига уни қизиқтираётган бирор-бир муҳим масала юзасидан сўров шаклидаги мурожаати деб тушунилади.

Ҳукумат аъзоси интерпелляция тартибида унга йўналтирилган парламент аъзосининг сўровига қуйи палатанинг егланетида белгилаб қўйилган маълум бир даврдан кечиктирмай оғзаки ёки ёзма тартибида ўз жавобини тақдим этиши лозим бўлади. Бунда интерпелляцияга жавоб берувчи палата аъзоси ўзи шахсан палатага келиб унинг азолари олдида жавобини бериши керак ва унинг муддатлари қоида тариқасида 5-20 кунни ташкил этади. Масалан, Испанияда у 15 кунни, Болгарияда – 25 кунни ташкил этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, интерпелляциянинг таъсир чораларини кучи шунда намоён бўладики, унинг натижалари бўйича вазирга ишончсизлик билдирилиши мумкин ва у шу сабабга кўра хатто истъефога ҳам чиқарилади. Шунингдек, ўзта муҳим масала юзасидан асослангилган жавоблар олинмаган бўлса ва ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги кузатилса, унда парламентнинг қуйи паласининг ташаббус билан маҳсус тергов комиссияси тузилиши мумкин ва унинг натижаларига кўра истъефога нафақат қайсидир вазир, балки бутун ҳукумат тўла таркибида чиқарилиши мумкин.

Шу билан бирга, аксарият ҳолларда ваазирни истъевога чиқарилиши Бош вазирга қўйилган талаб бўйича амалга оширилади. Бу ерда эътироф этиш жоизки Ўзбекистонда ҳам Олий Мажлиснинг қуйи палатаси томонидан тергов комиссияя тузилиши мумкин.

Масалан парламент назоратидаги интерпелляция шакли Словения амалиетида мавжуд бўлиб, унинг Конституциясини 118-моддасига кўра ўнтадан кам бўлмаган ҳолда парламент аъзоларининг бирлашмаси ҳукуматга интерпелляция тартибида мурожаат қилиши мумкин

[8]. Бундай интерpellация иш тартибида ҳукумат ёки унинг аъзосига ишончсизлик билдирилса у истеъфога чиқиши шарт бўлади. Интерpellация институти Франция парламентининг амалиетида ҳам мавжуд ва у 1867 йилдан бери муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда [9].

Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, интерpellацияни оддий депутат ёки парламент сўровидан фарқи шундаки, оддий сўров қандайдир масала юзасидан жавоб олишга қаратилган бўлса, интерpellация муҳим сиёсий аҳамиятга эга ва сиёсий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра интерpellация қичиқ бир тузилган депутатлик бирлашмасига сиёсий даражада масалани кўтариб ҳукуматга, уни фаолияти ёки таркибига институционал ёки функционал таъсир қилишига ва натижада ўзгаришларни олиб келиш имкониятига эга бўлади. Бу уларни қўлида аксарият холда муҳим ва хатто ягона кучли “қурол” шаклида таъсир воситасини ўтайди.

Парламент назорати тартибида парламент олдидаги ҳукуматнинг жавобгарлиги ишончсиз овоз бериш, шунингдек танбеҳ қарори шаклларида ёки ҳукуматнинг хисоботларининг натижаларига кўра ишонччи рад этиш шаклларида юзага келиши мумкин. Бунда ҳукуматни ўзи парламентга унга ишонч мавжудлигини аниқлаш мақсадида ишонч (ишончсизлик) билдириш ҳақидаги масалани ўз ташаббуси билан киритади. Бундай муносабатлар шаклини “ишонччи рад этиш” деб аташади.

Аммо, шу билан бирга, кўпинча ҳукуматга нисбатан сиёсий жавобгарлик, бордию президентлик (парламент) бошқарув шакли бўлса, президент (парламент) томонидан қўлланилади.

Масалан, Латвия, Словения, Лихтенштейн, Швеция, Грузия ва Дания мамлакатларида парламент томонидан ҳукуматга нисбатан унинг олиб бораётган сиёсатининг етарлича аниқ ва тўғри эмаслиги, камчиликлар ёки ахлоқий нуқти-назаридан оғишлар мавжудлиги юзасидан ўз муносабатларини билдириб борадилар.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар тажрибасида, айниқса ривожланган давлатларда, ҳукуматни парламент олдидаги жавобгарлигида, кўпроқ ҳукуматни индивидуал аъзосининг жавобгарлиги эмас, балки жамоавий жавобгарлик шакли қўлланилади. Буни боиси шундаки, ҳукумат одатда битта марказдан шакллантирилади ва у ягона бир ғоя атрофида жипслашган уюшган гуруҳ шахслар (вазирлар) шаклида ўз ишини ташкиллаштиради ва олиб боради. Шунга кўра уларни ишига яхлит тартибида баҳо берилиб жавобгарлик чоралари қўлланилади. Бу каби тажриба кўпга Европа давлатларининг Конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган (Франция, Германия, Испания ва х.к.). Масалан, Испания Конституциясининг 108-моддасига кўра “Ўз сиёсий фаолияти бўйича ҳукумат парламент олдида биргаликда жавоб беради” [10].

Шу билан бирга парламент назоратининг янада қаттиқроқ қўллаш амалиётлари ҳам учраб туради. Масалан, Буюк Британияда, агарда парламент хаттоки ҳукуманти биро-бир аъзосига ишончсизлик билдиргудек бўлса, унда ҳукумат тўла таркибда истеъфога чиқишига тўғри келади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳукуматни ҳар бир аъзоси нафақат парламентнинг олдида, балки ўзининг ҳукумати олдида ҳам юқори даражада жавобгарликни ҳис қилиб бориши лозим бўлади [11].

Юқоридаги назарий-ҳуқуқий ва амалий жихатларнинг таҳлилларидан келиб чиқиб эътироф этиш жоизки, парламент олдидаги ҳукуматнинг жавобгарлиги масалаларида ишончсизлик овози ёки ишонччи рад этиш шакллари самарали белгиларига эгадир.

Мазкур ҳолатда, парламент назоратини шаклларида бири бўлиб у, қоида тариқасида, ҳукуматни фаолиятидаги танқидий жихатларига қаратилади. Бу унинг сиёсий йўналишлари, киритган қонун лойиҳаси ёки вазирни самарасиз фаолияти туфайли рат этиш мазмунига эга бўлади. Ишончсиз овоз беришни қўллаш ташаббуси одатда парламентни ўзи ёки ундаги сиёсий партияларнинг фракциялари ёки бошқа турдаги депутатлик бирлашмаларидан келиб чиқади.

Бунда, амалиётга кўра, қоида тариқасида, ҳукуматни ёки парламентни ваколат муддатини илгари тугатилишига олиб келади ва ҳукумат инқирози, истеъфога чиқиш, қуйи палатани тарқатиб юборилиши шаклларида намоён бўлади [12].

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, ишончсизлик овози юзага келишига парламент ташаббуси талаб этилади. Бу ҳолатни ҳукуматнинг барқарор фаолиятига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида кўпгина мамлакатларда мазкур шаклни қўллаш механизмини бироз мураккаб ҳолатида конституция даражасида тартибга соладилар. Бу механизм мураккаблаштириш асосан ишончсизлик овозини ташаббус қилишда ва у бўйича овоз бериб қарор қабул қилиш тартибларида намоён бўлади.

Бордию ишонч йўқ деб овоз берилгудек бўлса, унда бундай вазият ишончсизликнинг ҳалокатли овози сифатида тан олинади. Ўз навбатида, агарда парламентни ёки ҳукуматни бир-бирига нисбатан ишонч масаласи билан боғлиқ қилган ташаббуси натижасида иккаласидан бирини тарқатиш ёки истеъфога чиқариш зарурати юзага келадиган бўлса, унда бу ҳақдаги қарорни фақат давлат раҳбари амалга ошириш ваколатига эга бўлади. Масалан, бир қатор Европа мамлакатларининг, хусусан, Испания, Греция, Финляндия, Словения ва ҳаказо қонунчилигида ишончсизликнинг ҳалокатли овози каби парламент назоратининг шакли ўз аксини топган.

Хулоса қилиб эътироф этиш мумкинки, хорижий давлатларда парламент назорати тартибида ҳукуматга нисбатан таъсир ўтказиш ва уни жавобгарликка келтириш шакл ва услублари ўзнинг хосликлари билан фарқланади. Аммо, шу билан бирга, бир-бирига ўхшаш томонлари ҳам мавжуддир. Бунда, парламент томонидан ҳукуматнинг аъзосига қаратилган ишончсиз овоз бериш шаклини қўллаган ҳолда уни индивидуал жавобгарликка келтириш (Италия, Венгрия, Австрия ва х.к.), шунингдек, Германияни мисолида, вазирни истеъфосини танбех қарори орқали амалга ошириш механизмларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Библиографик рўйхат:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти, 2023. - 80 б.
2. Мэрлар ва сайланган вакилларни чақириб олиш: Демократик сайловлар бўйича Кенгашнинг 65-йиғилишида (Венеция, 20 июн 2019 йил) ва Венеция комиссияси томонидан 119-ялпи мажлисда маъқулланган маъруза (Венеция, 21-22 июн 2019 йил).
3. Крисанов А.В. Конституционно-правовая ответственность выборных и должностных лиц федеральных органов государственной власти. Дис. ... канд.юрид.наук. Челябинск. 2014. – С. 115.
4. Италия Республикасининг Конституцияси, 1947 йил 27 декабрь // <https://legalns.com/download/books/cons/italy.pdf>
5. Япония Конституцияси, 1947 йил 3 май // <https://legalns.com/download/books/cons/japan.pdf>

6. Австрия Конституцияси // <http://worldconstitutions.ru/?p=160&page=5>
7. Бельгия Конституцияси, 1994 йил 17 феврал // <https://legalns.com/download/books/cons/belgium.pdf>
8. Словения Конституцияси // <http://worldconstitutions.ru/?p=109>
9. Франция Конституцияси // https://www.conseil-constitutionnel.fr/sites/default/files/as/root/bank_mm/constitution/constitution_russe_version_aout2009.pdf
10. Испания Конституцияси // <http://vivovoco.ibmh.msk.su/VV/LAW/SPAIN.HTM>
11. Ославський М.И. Исполнительная власть в Украине: организационно-правовые основы. - К.: Знання, 2009.
12. Франция Республикаси Конституцияси // Маклаков В.В. Конституции зарубежных государств: Великобритания, Франция, Германия, Италия, Европейский Союз, Соединенные Штаты Америки, Япония: учеб. пособие. - 8-е изд., исправл. и доп.- М.: Инфотропик Медиа, 2012. С. 81-116.